



2-расм. *Arrhenatherum elatius* нинг кузги вегетацияси.

Демак бу ўсимлик баҳорги ва кузги мавсумларда вегетация қилувчи ўсимликлар тоифасига киради. Ўсимликнинг бу хусусияти чорва ҳайвонларини яйловда куз мавсумида витаминли яшил озуқа билан таъминлаш имконини беради. Ўсимликнинг ушбу биологик ва хўжалик хусусиятларини ҳисобга олиб институтда 2025-йилдан бошлаб унинг янги ўсиш шароитида, яъни Ўзбекистоннинг адир минтақасида эколого-биологик ва хўжаликбоп хусусиятларини чуқур ўрганиш бўйича тадқиқот ишларини олиб бориш режалаштирилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Набиев М. Ботаника атлас –луғати. Тошкент, “ФАН” 1969.-251 б.
2. Шамсутдинов З.Ш. Введение в культуру пустынных кормовых растений. Ташкент: Фан УзССР, 1987. -178 с.

АЙРИМ ЧЎЛ ОЗУҚАБОП ЎСИМЛИК ТУРЛАРИ УРУҒЛАРИНИНГ БЎЛИҚЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Раббимов Ф.А.

Коракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти

Ўзбекистон чўл яйловлари ҳосилдорлигини оширишда истиқболли бўлган қатор ўсимлик турлари аниқланган ва уларнинг қўпчилиги маҳаллий навлари ҳам яратилган. Истиқболли фитомелиорантлар жумласига бута ўсимликлардан қора саксовул- *Haloxylon aphyllum*, Палецкий черкези – *Salsola paletzkiana*, ярим буталардан Чўғон- *Halothamnus subaphyllus*, Изен- *Kochia prostrata*, Терескен- *Ceratoides ewersmanniana*, Куйровуқ- *Salsola orientalis*, Боялиш- *Salsola arbuscula*, кўп йиллик Олабута турларини- *Atriplex sp.* ва бошқа турларни киритиш мумкин. Ҳозирги кунда ушбу ўсимлик турларидан яйловларни яхшилаш чора-тадбирларини амалга оширишда тобора кенг фойдаланиш йўлга қўйилмоқда ва амалий натижаларга эришилмоқда. Аммо, ушбу ўсимлик турлари уруғларига республикамиизда ҳали экинбоплик

сифатларининг меъёрий кўрсаткичлари, ушбу кўрсаткичларни аниқлаш усуслари ҳали ишлаб чиқилмаган. Ваҳоланки, “Ўзбекистон Республикаси уруғчилик тўғрисида” ги Қонунда сифат сертификати бўлмаган уруғлардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш ман қилинганд. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур ўсимликларнинг биологик хусусиятларига кўра, уларнинг уруғлари сифат кўрсаткичлари бошқа қишлоқ хўжалик экинлари уруғлари сифат кўрсаткичларидан кескин фарқ қиласди. Бундай фарқлар жумласига кўпчилик турлар уруғлари қобиқларида униб чиқишни тормозловчи “ингибиторлар” деб аталувчи биологик фаол моддаларнинг мавжудлиги, уруғ намуналарида кўплаб пуч (уруғмуртаксиз) уруғларнинг мавжудлиги, унувчанликнинг қисқа муддатларда йўқолиши, кўпчилик турлар уруғларининг қаттиқлик хусусиятларини киритиш мумкин. Бундай хусусиятлар эволюцион ривожланиш жараёнида чўлнинг экстремал шароитларига мослашиш орқали юзага келган [1,2,3,4]. Биз томондан Палецкий черкези, чўғон ва изен ўсимликлари уруғларининг бўлиқлик хусусиятлари (уруғ партиясидаги уруғмуртакли ва пуч уруғлар нисбати) ўрганилди. Ўрганилган турлар уруғлари пишиб етилган даврда уруғ қобиғида қанотчалар ривожланган бўлиб, бу қанотчалар уруғларнинг теварак-атрофга шамол ёрдамида тарқалишида муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотлар учун ҳар бир турдан қанотчалари яхши ривожланган уруғлардан З такрорланишда 100 донадан уруғ намуналари олинди ва улар уруғ қобиқларидан ажратилиб, меъёрида ривожланган уруғмуртакли уруғлар сони аниқланди. Тадқиқотлардан олинган маълумотлар 1- жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Чўл озуқабоп ўсимлик турлари уруғларининг бўлиқлиги,%

Ўсимлик тури	100 дона уруғларда уруғмуртакли уруғлар сони,дона	100 дона уруғларда уруғмуртаксиз (пуч) уруғлар сони,дона	Уруғларнинг бўлиқлиги,% $M \pm m$
Палецкий черкези- <i>Salsola</i> <i>paletzkiana</i>	48,1	48,5	48,7±0,4
Чўғон- <i>Halothamnus</i> <i>subaphyllus</i>	50,8	49,2	50,8±1,51
Изен- <i>Kochia prostrata</i>	89,4	10,6	89,4±1,22

2024-йилда Қарнабчўлда юзага келган иқлим шароитлари чўл озуқабоп ўсимлик турларининг ривожланиши учун анча қулай келишига қарамасдан, уруғларнинг бўлиқлик кўрсаткичларининг нисбатан пастлиги аниқланди. Палецкий черкези уруғларининг 100 донасида ўртача 48,7 дона уруғмуртакли уруғлар аниқланган бўлса, чўғон ўсимлигига бу кўрсаткич 50,8 донани ташкил

қилди. Ўрганилган турлар орасида изен ўсимлиги уруғларининг юқори сифатли эканлиги аниқланди, яъни 100 дона уруғлари орасида уруғмуртаги яхши ривожланган уруғлар салмоғи 89,4 % ни ташкил қилиши аниқланди. Қарнабчўлда етиштирилаётган черкез уруғларининг бўлиқлиги қурғоқчил келган 2023-йилда атиги 19,0% ни ташкил қилган бўлса, Бухорол вилоятининг Коровулбозор туманидан олиб келинган черкез уруғларининг бўлиқлиги янада паст, яъни 7,0% эканлиги аниқланган эди. Ушбу маълумотларни таҳлил қилиб айтиш мумкинки, чўл озуқабоп ўсимликлари уруғларининг сифат кўрсаткичлари нисбатан паст бўлиб, турли йилларда юзага келган иқлим хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Уруғларнинг сифат кўрсаткичлари ўсимлик ўсиб турган тупроқ шароитлари билан ҳам боғлиқ бўлиб, уруғчилик майдонларини барпо қилишда буни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур тадқиқотлардан олинган маълумотларни уруғчилик инспекцияларида уруғларнинг сифатига баҳо беришда ва амалиётда уруғ экиш меъйрларини белгилашда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Ашурметов О.А., Каршибоев Х.К. Семенное размножение бобовых растений в аридной зоне Узбекистана. -Ташкент, “Фан”, 2002. -204 с.
2. Ионесова А.С. Физиология семян дикорастущих пустынных растений. Ташкент, «ФАН» 1970. 150 с.
- 3.Раббимов А., Хамраева Г.У.Чўғон - *Halothamnus subaphyllus* уруғларининг униб чиқиш хусусиятлари//Чорвачилик ва наслчилик иши. 2022 й. № 04.-Б.38-40.
4. Шамсутдинов З.Ш. Введение в культуру пустынных кормовых растений. Ташкент: Фан УзССР,1987. -178 с.